

Бухоро шаҳрида Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида янгидан чирой очган Улуғбек боғи фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари тўқин дастурхонга таклиф қилинди.

Боғда йил бошидан буён катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, улуғ бобоимизнинг мухташам ҳайкали қад ростлади. Мовий кўл бўйига тўшалган майин кумлар денгиз соҳилини эслатади. Қайиқ станцияси, велотрек, кафетерий, савдо, маданий-маиший хизмат дўконлари мижозлар хизматига.

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бош бошқармасида Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилган ушбу тадбирда уруш қатнашчилари, ички қўшинлар сафида узоқ йиллар хизмат қилган фахрийларга байрам совғалари топширилди. Тадбирда Қуролли Кучларнинг «Осиё юлдузлари» дастаси ижросида куй-қўшиқлар янгради.

(ЎзА)

«Ишонч»га жавоб берадилар

АЙБДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 2 апрел сонидида Зарбдор туманидаги айрим мутасаддиларнинг Меҳнат қончилигига риоя этмаётганликлари оқибатида халқ таълими бўлими ҳамда марказий касалхонадаги чалқашликлар ҳақида «Этиборсизлигим ёки масъулиятсизлигим?» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан таҳрират Жижзах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасидан жавоб хати олди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Мақола вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2004 йил 6-апрелдаги йилги йилгида атрофича муҳожама қилинди ва камчиликлар бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам тақрирланмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, туман марказий касалхонаси кадрлар бўлими бошлиғи В.Абузаровага йўл қўйган камчиликларини унинг хайфсан эълон қилинди. Бош врач Х.Норкулова интизомий чора қўллангани.

П.БОБОЕВ,

Жижзах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАНДИ

«Тақдир экан турмушим бузилиб кетди... Икки болам билан жуда қийналиб яшаймиш...

Меҳр-муруват йилда ҳеч бўлмаса икки боламга нафақа берадиган ташкилот бормикан?»

Таҳриратимизга келган ана шу мазмундаги хатни жойида ҳал қилиш учун тегишли ташкилотга юборган эдик. Яқинда ушбу мақсуд юзасидан Бухоро вилоят ҳокимлигидан жавоб хати келди:

«Қорақўл туманидаги Ваҳим қишлоғида яшовчи фуқаро А.Қодировнинг бугунги кунда ота-онасининг уйда икки фарзандини тарбиялаётганиги, ҳеч қандай ишламаслиги, болалари учун нафақа ақралида ёрдам сўраб ёзган аризаси вилоят ҳокимлигининг мутасадди ходимлари томонидан атрофича ўрганиб чиқилди.

Аризонининг оилавий шартини инобатга олиб, Жигачи қишлоқ фуқаролар йилғини томонидан А.Қодировга моддий ёрдам тайинланди. Бундан ташқари, унинг икки нафар волага етмаган фарзанди учун ҳам нафақа тўлаб берилади. «Соғлом авлод учун» жамоараси томонидан аризонининг болалари учун қийим-кечак ҳам олиб берилди.

Бугунги кунда А.Қодиров фермер ҳўжалигига ишга жойлаштирилиб, жамоа ҳўжалиги томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

М.СОДИҚОВА,

Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари

МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Газетамизнинг шу йил 68-сонидида чоп этилган «Шийпон-шипидон» сарлавҳали мақолада Андижон вилоятидаги Асака ва айрим қатор туманлардаги айрим дала шийпонларини бугунги кун талабига жавоб бераётгани таъкидлаб ўтилган эди.


Мақола касаба уюшма Асака туман қўмитаси Раёсатида ҳамда туман ҳокимлигида атрофича муҳожама қилиниб, дала шийпонларини меҳнатқашларнинг чинакам иккинчи уйига айлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб олди.

Шунингдек, туманда ҳар йили дала шийпонларини мавсумга тайёрлаш бўйича кўрик-танловлар ўтказилиб, қониларга қимматбах мукофотлар бериб бериб йўлга қўйилди. Утган йили «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалигининг 7-бош пудратчилари дала шийпони танлов гўлиби сифатида битта телевизор билан, «Навбахор» ширкат ҳўжалиги 14-бош пудратчилари ҳамда Бобур номили ширкат ҳўжалигининг 8-бош пудрати аъзолари Асака туман билан мукофотланган эди.

Жорий йилда ҳам ана шу анъана давом эттирилади. Унинг якуний босқичи Республика Мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида туман касаба уюшма қўмитаси томонидан эълон қилинади.

Х.АХМЕДОВ,

АСМ ходимлари касаба уюшма Асака туман қўмитаси раиси



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 11 май, сешанба № 77 (1710)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ - ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида тажасум этган муҳим тарихий санага айланди.

Мазкур байрам ба гал Меҳр ва муруват йилда нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш - инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматини, тириклик мезонларидир. Меҳр ва Муруват - Хотира ва Қадр тунчаларидан айро эмас. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойий юртдошлари, ёруғ келажақ йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш, бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Зеро, Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ.

9 май кўни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди. Майдон узра сокин муסיқа садоси таралади. Жангҳоларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари уларнинг сиймоси мангуликка дахлдор эканини сукут билан тасдиқлаётгандек. Гаумузор Она қиёфасида изтиробли, шу билан бирга улугвор умид акс этган...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди. Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчинини адо этиб, уруш йиллари ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб халок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларнинг хотираси олдида бош эгди. - деди Ислам Каримов журналистлар билан суҳбатда. - Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаёт-

ган уруш қатнашчиларини, барча фахрийларни қадрлашимиз даркор. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан вояга етмаганларни, аёллар ва қаришларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган, 640 минг нафар ватандошимиз жараҳат олган. Таассуфки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз сафи йилдан-йилга сийрақлашмоқда. Утган бир йил мобайнида беш ярим минг нафар уруш қатнашчиси вафот этди. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони қирқ минг нафардан ортмайди. Шундай экан, бу дунёда нафақат кексаларимизни, балки бир-биримизни авайлаб-ардоқлаб, қадримизга етиб яшашимиз лозим.



Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Бунга тарихимиздан қўллаб-қувватлаш келтирилган шимиз мумкин. Бутун дунёга хавф солаётган терроризм халосига қарши курашда ҳам халқимиз жаҳон ҳамжамиятининг олдинги сафларида. Ҳозирги таҳликали замон, кечаги нафасимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари кишиларимиздан мудом оғохликни, ҳар қандай хавфга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишни тақозо этмоқда. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз - кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда.

Бу ҳақда Президентимиз



Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида батафсил фикр юритди.

Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида гапирганда бир нарсга алоҳида эътибор бериш зарур. Адашганлар бор, уларни нотўғри йўлга бурган, ғаразли мақсад сари бошлаганлар бор. Аввало уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Адашиб, ёт кучлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ёшларни, агар уларнинг ота-онаси, маҳалла-кўйи ўз кафилига олса, кечирамиз. Халқимиз бағрикенг, кечиримли, деди Президентимиз. Давлатимиз раҳбари шу

аниқса, ёшларимиз ўзини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар ва нималар билан фахрланшимиз мумкин?», деган тахлиллий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур, деди Ислам Каримов.

Ёшларимиз, заманимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан гурурланиш, фаровонлиги келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш, куюнчаллик ҳислари чуқур илдириш лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллатни, шу халқни улуглаш учун яшashi керак. Ана шу туйғун қалбига жо қилган, шу гоғ атрофида бирлашган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

Улуғ аждодларимизга хос бўлган савоб ва эзгу ишларни ҳамиша, ҳар кўни қилмоғимиз шарт. Саховат ва муруват билан юрт обод, кўнгилар шод бўлади. Шу туйғули эл-юртга қўт-барака иноди. Азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққиётларининг таълиқларини қадриятларини ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Ҳа, мазкур муқаддас майдон нанки, Хотира ва Қадрлаш кўни, балки, йил-ўн икки ой одамлар билан гавжум. Бинобарин, одамлар бу ерга томоша учун келмайди. Утганларни хотирлайди. Бу эса бугунги кўнги тинч, фаровон ҳаётни қадрлашга ундайди. Чунки бу майдонга келган ҳар бир инсон қалбиди Ватанини ардоқлаш, уни кўз қорачигидек асраш лозим, деган эзгу туйғу жуш уради. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни бало-қазолардан, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз...

Шу кўни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва раванки учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш кўни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистон Қахрамонлари, халқ шоирлари Э.Вохидов, А.Орипов, Олимлар Х.Шайхова, Д.Алимова ва бошқалар кўтарилган маъсалага юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

«Хотира китоби»нинг зарҳал варақларидан жангҳоларда жон берган қуролдошларнинг номларини кўздан кечираётган уруш қатнашчиси, кекса шоир Назармат бундай дейди:

- Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу зиёратгоҳга келганимизда ҳар гал вужудимни ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига ураб, умри ҳазон бўлган тенгдошларимни, юртдошларимни қалбда

ОРОЛБЎЙИДА ЯНГИ ЗАВОД

Устюрт кенгликларидан қазиб олинатган газ конденсати шу кунга қадар Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш завоидига олиб борилар, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот эса яна Қорақалпоғистонга ташиб келтирилар эди.

Энди Қўнғирот туманида бунёд этилган «Йўлчилик» корхонаси бир кеча-кундузда 220 тонна газ конденсатидан олтимиз фоз бензин, ўттиз фоз дизел ёнилмаси ва ўн фоз зиролини ишлаб чиқаради. Унинг раҳбари Воҳид Бойнеговнинг таъкидлашича, яқин кунларда заводнинг ишлаб чиқариш қуввати икки баробар оширилади.

(ЎзА)

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака учади. Келиб-келиб мана-ман деган шифо масканида келишмовчилик, тарафқашлик ҳўкм сурса, ходимлар ёз-ёз билан машғул бўлса, шифоҳона ўз олдига қўйилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни бажариш бир ёқда қолиб, текшир-текширдан бўшамаса бундан ёмони йўқ. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, гап-болалогандан бодалаб кетди. Тошкент вилоят 1-сонли клиник шифоҳонасида бўлаётган ажабтовур хангомалар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, прокуратура ходимларининг ҳам аллақачон қулোগа етган. Бу ниҳоят Тошкент вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2003 йил 29 декабрда «Усманов Улуғбек Маратович тўғрисида»ги 03-87-сонли буйруғининг чиқарилишига олиб келди. Унда жумладан шундай дейилади: «Тошкент вилоятининг 1-сонли клиник шифоҳонаси бош шифокори Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 100-моддаси 4-банди билан (ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги, яъни меҳнат интизомини бузганлиги, хо-

димлардан пул йиққанлиги, шидан қирқ кун барака учади. Келиб-келиб мана-ман деган шифо масканида келишмовчилик, тарафқашлик ҳўкм сурса, ходимлар ёз-ёз билан машғул бўлса, шифоҳона ўз олдига қўйилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни бажариш бир ёқда қолиб, текшир-текширдан бўшамаса бундан ёмони йўқ. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, гап-болалогандан бодалаб кетди. Тошкент вилоят 1-сонли клиник шифоҳонасида бўлаётган ажабтовур хангомалар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, прокуратура ходимларининг ҳам аллақачон қулোগа етган. Бу ниҳоят Тошкент вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2003 йил 29 декабрда «Усманов Улуғбек Маратович тўғрисида»ги 03-87-сонли буйруғининг чиқарилишига олиб келди. Унда жумладан шундай дейилади: «Тошкент вилоятининг 1-сонли клиник шифоҳонаси бош шифокори Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 100-моддаси 4-банди билан (ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги, яъни меҳнат интизомини бузганлиги, хо-

нада носоғлом муҳит қачон юзана қолди. Маскан бир гуруҳ ходимлари томонидан ёзилган шикоят хатидан маълум бўлишича, Зангиота тумани Хонобод қишлоғида жойлашган республика

автомобил-транспорти вазирилик тиббий-санитария қисми 1999 йилда Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги руҳсати ва Тошкент вилояти ҳокимлиги қарори билан 1-сон вилоят клиник шифоҳонасига айлантирилган. Ушунга Улуғбек Усманов бош шифокор этиб тайинланган. У дастлабки кунларданок бош шифокор сифатида шифоҳона фаолиятини яхшилаш ўрнига ходимлар иш ҳақига кўз олайтира бошлаган. Шикоят юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор фактлар ўз исботини топган. Бироқ бу шикоятчиларни қонқирмади. Уларнинг фикрича ойлқидан ноқонуний пул ушлаб қолишга топшириқ берган Усманов яна сувдан қуруқ чиққан. Жумладан, 2003 йил август ойи маошидан 1 мил-

лион 400 минг сўм, сентябр ойи маошидан 594500 сўм ноқонуний ушлаб қолингани ҳолда текширувчилар томонидан газначи, Н.Тригуб айби билан 25 ходимликда жойлашган республика

ни кўрсатилган, холос. Бунни қараганки, бош шифокор шифоҳонада қачон текшириш ёки тафтиш ўтказилса, дарров касаллик варақаси олишга одалтланади. Ҳаммаёқ тинчиши билан яна ишхонада пайдо бўлаётган. Мазалан, 2003 йилнинг 25 декабрда У.Усманов «Меҳнат Кодекси»нинг 100-моддаси 4-бандига кўра эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши ҳақида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг қарори билан ёзма равишда огоҳлантирилган. 29 декабрда эса 03-87-сонли буйруқ билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Қараганки, У.Усманов бунинг ҳам йўлини топган. 26 декабрдан гипертония касаллиги II даражаси ташҳиси билан касаллик варақасига чиққан ва

уни 2004 йил 31 январда топширган. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси У.Усмановнинг шикоятини ўрганиб чиқиб, соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғи «Меҳнат Кодекси»нинг 100 модда 6-банди талабларига зид эканлиги, ходим меҳнатга лаёқатсизлик даражасида иш беришга ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмаслигини маълум қилади. Қарабизки, бошқарма бошлиғи К.Акрамовнинг 2004 йил 11 мартдаги 03-19-сонли буйруғи билан бошқарма бошлиғининг 2003 йил 29 декабрда вилоят клиник шифоҳонаси бош шифокори У.Усмановни ишда йўл қўйган камчиликларини учун лавозимидан озод этиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилинди. Худди шу 11 март кўни Улуғбек Усмановни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисида бошқарма бошлиғининг 03-20-сонли янги буйруғи ҳам чиқарилди. Бу буйруқда 29 декабрдаги 03-87-сонли буйруқдаги ишдан бўшатилган сабабларини ёнига У.Усмановнинг клиник шифоҳона ва маслаҳат поликлиникасида носоғлом муҳит ҳамда суғиштирилган шартно яратганлиги, ноқонуний равишда пуллик

Мухбир нуқтаи назари

хизмат қилинишига йўл қўйганлиги ҳам қўшиб қўйилди. Асос қисми вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган текшириш натижалари ҳамда Зангиота туман прокуратурасининг суриштируви якунлари, деган ёзувлар билан тўлдирилди.

Қўринадикки, У. Усмановнинг ишга қайта тикланиши жамоада янги норозиликлари келтириб чиқарган. Шикоятчилар ана вилоят ҳокимлигига муурожаат қилишди. Масала атрофича ўрганиб чиқилгач, вилоят ҳокимлиги вакиллари жамоада бўлиб, йиғилганларни янги буйруқ матни билан таништиришди... Савол туғилди, шу, вилоят ҳокимлиги ташаббуси бўлмаса «ёпиғлик қозон ёпиғлигича» қолиб У.Усманов яна «фаолият»ни давом эттирармикан? Жамоани аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек ўта муҳим вазифани бажариш йўлида жингаштириш ўрнига бу ерда носоғлом муҳит яратилишига шартно яратган, ноқу ҳақли-ҳарақатлари билан ёз-ёз, текшир-текширлар сабабчиси бўлган бош шифокор жавобгарликдан четда қолармикан?

Ялғоқ САРИБ,

«Ишонч» махсус мухбири





